

МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК ИМЕНИ Т.Н.КАРЬ-НИЯЗИ

2017 год – Год диалога с народом и  
интересов человека

ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЕ ПОКОЛЕНИЕ –  
УСЛОВИЕ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ,  
БЛАГОПОЛУЧИЯ И  
ПРОЦВЕТАНИЯ ОБЩЕСТВА

Сборник научно-методических статей

1



Под общей редакцией доктора педагогических наук,  
профессора Р.Х.Джураева

Ташкент – 2017

Албатта, русийзабон талабаларга ўзбек тилини ўргатиш билан чет тилларни өргатиш орасида катта фарк бор. Аммо бу икки фанни боғлаб турувчи умумий жиҳатлар ҳам мавжудки, шулардан бири - мулоқот усулидан фойдаланишнинг самарадорлиғидир. Дарс жараёнида талабаларни амалий нутқ фаоллигига йўлланганимиз асосий жиҳатлардан бири. Бу хозирги ижтимоий ҳаётга оид бирор бир воқеа ёки долзарб мавзу ҳақида сўз очиб, талабаларни мунозаратга жалб этишдир. Масалан, ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган кизикарли бирор бир кўрсатув, спортнинг теннис ёки футбол биринчилиги бўйича ўтказилган мунозарат, матбуотда эълон қилинган кизикарли баҳс, бирор воқеа - ҳодиса ҳақидаги хабар мунозаратга асос бўла олади. Мунозарат жараёнида суҳбат чоғида қўлланган оригинал сўз, тап мазмунига талабалар эътиборини тортиш ва бирорта талабанинг шу мавзу ҳақидаги ўз фикрини асосли далиллар билан исботлаши, ўз сўзини мантикан тўғри ва раван қилиб баён этишини кўрсатиши. Бундай талабанинг нутқига юқори баҳо бериш яхши натижа беради.

Демак, русийзабон гуруҳларида ўзбек тили фанини ўқитишнинг асосий мақсади - тўғри, раван сўзлаш, ўз фикрини отзаки ва ёзма равишда ифода қилиш, мутахассисликка оид сўزلарни билиш, уларнинг нутқ фаоллигида ишлата олишдир. Талаба йил давомида ўрганган лексик ва грамматик материаллар ҳажмидаги матннинг мазмунини сўзгай олиши, ўқитувчининг нутқини, топирик ва саволларини тушуниб бориши, ўзи ҳам атрофдаги кишиларга савол бера оладиган бўлиши керак. Бу вазифанинг самарали амалга оширилиши ўқитувчининг билим савнисида, педагогик маҳорати, истақ ва иродасига, ўз бурчи ва масъулиятини етарли даражада хис қила билишига боғлиқдир. Ўқитувчи бу талабаларни асосан дарс жараёнида амалга ошириши мумкин. Маълумот мавзусида бир вақтда ўтказилган ўқув тарбия жараёнининг бир бўлиши. Ўқитувчи мавзу материалини дарс жараёнида талабаларга баён этишнинг самарадор усулини танлашда ўқув материалининг мазмун ва ҳусусини таъинлаш, бунда мустақил равишда бор имкониятларини ишга

қўлиб, ташаббускор бўлиши, педагогик ва дидактик талабларга асосланиши керак. Бугунги кун таълим жараёни янги замонавий педагогик технологиялар асосида олиб боришмоқда. Талабаларни дарста кизиктириш учун турли усуллардан, кўрсатмалар қўлдан, слайд ва мультимедиялардан, электрон дарсликлардан фойдаланиш мумкин. Бу давр талаби, таълимдаги тўғри ва самарали йўл. Бирок таъкидлаш жоизки, дарслик жонли кўрсатмалар қўлдан бу талабанинг нутқидир. Талабада ўз фикрини эркин, мустақил ва аниқ ифода қилиш хислатларини шакллантиришда кўпроқ ўқитувчилар меҳнат қилишлари керак. Шундангина тингловчининг нафақат қўлоғини, балки калбини ҳам забот эта оладиган намунали нутқ шаклланади.

#### Адабиётлар

1. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. - Тошкент, 2009.
2. Маҳмудов Н. Маррифат манзиллари. - Тошкент: Мавнавиёт, 1999.
3. Қўнқуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Е. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
4. Аъламова М., Зиямухамедова Ш. Нутқда акс этар бир олам бойлиқ. - Тошкент, 2009.

### АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.Шолмонова, ТИМИ доценти

Ўзбекистонда таълим тизимини узлуксиз ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Узлуксиз таълимнинг амал қилган тизими малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маълумотларга асосан кунда иқтисодий тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

КЕНГ жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятта эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг хозирги шароитида мутахассисдан унга касбий масалаларни самарали ечиш имкониятларини таъминловчи юқори даражадаги ахборот маданияти талаб қилинади. Бу олий таълим муассасалари талабаларини, хозирги жамиятда яшаш ва меҳнат қилишни янгирақ тушунишни, таълим тарқибни тўғрисидаги анъанавий тушунчаларини қайта ўйлаш ва фикрлашга мажбур қилади. Таълим жараёнининг самарадорлиги ва унинг сифатини ошириб бориш одатдаги анъанавий таълим билан таълимнинг янги технологияларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама бирга олиб боришга боғлиқлиги учун ҳам янги таълим технологияларининг ўқув фаолиятига таъсирини изчил ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Хозирги вақтда ахборот технологиялари ёрдамида маълумотлар қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, уларни ягона марказда қайта ишлаш, бир пайтнинг ўзида маълумотлар базасини ташкил қилиш ҳамда керакли ахборотни бошқарувнинг юқори ташкилотларига автоматик равишда узатиш ва фойдаланувчиларга тезкор хизмат кўрсатиш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга масалаларни ечишда гайёр модул кўринишига келтирилган дастурий воситалар асосида янги ва кенгайтирилган курсларни ўқитишни ташкил қилиш имкониятини яратиш муҳимдир.

Республикамизда автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида таълим жараёнини такомиллаштириш юзасидан узлуқсиз тadbirlar амалга оширишда Таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада автоматлаштирилган ахборот тизимини яратилиб, уни таълим жараёнига тадбиқ қилиш бўйича қатор тадқиқотлар ҳамда ишланмалар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга талабаларни ўқитиш жараёнида реал жараёнини кўрсатиш ва шу асосда мутахассислик бўлими амалий кўникмаларни бериш бир мунча ишланмаларни ишлаб чиқишни керакли қилади.

Талабаларга бериладиган ахборотларни ўқитиш жараёнида модул тизими ва бошқа кўринишдаги электрон воситаларни қўллаш орқали амалга оширилган таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган бўлажак мутахассисларни ўзининг соҳасида учрайдиган қўллаб масалаларини аудиторияда функционал имитация қилиш, талабалар билиминини реал ҳаётга йўналтирган асосда такомиллаштиришнинг асосий омилидан биридир.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) таълим жараёнига ва таълим олувчини тарбиялашга тезлик билан таъсир қилади, яъни билим бериш ва таълим усулини ўзгартиради. Шу билан бирга таълим тизимида АКТнинг қўлланилиши нафақат таълим технологиясига таъсир кўрсатади, балки бу соҳага янгиликларни киритади. Булар ахборот ва алоқадан фойдаланиш имкониятларини кескин кенгайтиради.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Роберт И.В. Средства новых информационных технологий в обучении: дидактические проблемы, перспективы использования. // Информатика и образование. - Москва, 1991. - № 4.

#### ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАНКИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Ў.Дехканова, п.ф.н., доцент ТТЙМИ,  
Д.М.Саноев, МД-32 ТТИМИ

Бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ривожланишида, Ўзбекистон учун мустақил, эркин ва танқидий фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш масаласи энг долзарб ваазифадир. Шу сабабли академик лицей, касбунар коллежлари, олий ўқув юрталари таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятларини такомиллаштириш керак. Зеро, талабалар дунё